

2. [Қутикова Л. А., Фолиян Л. А. Коловратки озера Иссык-Куль. СПб.: Изд-во Зоол. ин-та РАН, 1996. -С.165.](#)
3. Сапаров А.Д., Мирабдуллаев И.М. Коловратки семейства Brachionidae Ehrenberg, 1838 фауны Узбекистана: род *Brachionus* Pallas, 1766 // Вестник Каршиского гос. универ. 2019. № 3 (в печати).
4. Сапаров А.Д., Мирабдуллаев И.М. Коловратки семейства Brachionidae Ehrenberg, 1838 фауны Узбекистана: роды *Keratella*, *Platias*, *Platonium*, *Notholca*, *Anuraeopsis*. // Наука и общество (Нукус). 2019. № 2 (в печати).
5. Сапаров А.Д., Мирабдуллаев И.М. Коловратки семейства Testudinellidae Harring, 1913 фауны Узбекистана. // Вестник ККО АН РУз. 2019. № 4. (в печати).
6. Сапаров А.Д., Мирабдуллаев И.М. Коловратки семейства Trichocercidae Harring, 1913 фауны Узбекистана. // Вестник Хорезм. Акад. Маъмуна. 2019. № 3. (в печати).
7. Fontaneto D., Iakovenko N., Eyres I., Kaya M. et al. Cryptic diversity in the genus *Adineta* Hudson & Gosse, 1886 (Rotifera: Bdelloidea: Adinetidae): a DNA taxonomy approach. // Hydrobiologia. 2011. V. 662. P. 27-32.
8. Gilbert J.J., Walsh E.J. *Brachionus calyciflorus* is a species complex: mating behavior and genetic differentiation among four geographically isolated strains. // Hydrobiologia. 2005. V. 546. P. 257-265.
9. Mills S., Alcantara-Rodriguez A.J., Ciro-Perez J. et al. Fifteen species in one: deciphering the *Brachionus plicatilis* species complex (Rotifera, Monogononta) through DNA taxonomy. // Hydrobiologia. 2017. Doi: 10.1007/s10750-016-2725-7.
10. Mirabdullaev I.M. On species of the genus *Lophocharis* Ehrenberg, 1838 (Rotifera: Monogononta) from Uzbekistan. // Hydrobiologia. 1992. V. 245. P. 163-165.

РЕЗЮМЕ

Ўзбекистон сув иншоатларида планктонларнинг 4 авлодига қирувчи 10 тури мавжуд: *Eudactilota* (1 тур), *Tripleuchlanis* (1 тур), *Dipleuchlanis* (1 тур), *Euchlanis* (7 тур). Планктонли ёки планкто-бентосли чучук сувда бўладиган шакллари. Оила ва авлод таъхиси келтирилган турларнинг морфологиясига таъсиф, экология ҳамда тарқатиш бўйича маълумотлар. Ўзбекистон гидро-фаунаси *Euchlanidae* туркумларини аниқлаш учун жадвал. *Eudactilota* авлодида оёқбармоқлари тана узунлигидан зиёдроқ, оёқ бўғимлари яхши бўлинган, таъхи қобиғи қаттиқ бўлмайди. *Dipleuchlanis*, *Euchlanis*, *Tripleuchlanis* авлодларида – оёқ бармоқлари тана узунлигининг ярмидан камроқ, оёқ бўғимлари аниқ бўлинмаган, таъхи қобиғи ригидли. *Tripleuchlanis* авлодида – орқа ва қорин бўшлиғи деярли бир хил ҳажмда, улар тана бўйлаб чуқур ўйиқлар билан туташган бўлади. *Dipleuchlanis* авлодида – орқа пластинкаси қорин бўшлиғидан кичикроқ, оёқлари доим теран бўлади. *Euchlanis* авлодида – орқа пластинкаси қорин бўшлиғидан каттароқ, чуқурлари баъзи ҳолларда аниқ билинмайди ёки умуман мавжуд бўлмайди. Таъхи қобиқнинг орқа пластинкасининг ортки чеккаси *Y* ёки *U* шаклда ўйилган. *Euchlanis oropha* – оёқ бармоқлари нисбатан қалтароқ, ўртаси шишган. *E. incisa* турида орқа пластинкаси баланд, тана бўйлаб қилга бириккан. *E. dilatata* турида эса орқа пластинкаси қилсиз бўлади. Таъхи қобиқдан орқа пластинкасининг орқа чеккаси доирасимон ёки ўртасидан катта бўлмаган чуқурга эга бурчак шаклида текис бўлади. *E. triquetra* турида орқа пластинкаси тана бўйлаб жойлашган баланд қил билан; таъхи қобиқнинг орқа пластинкасининг ортки чеккаси бурчак шаклида текис бўлиб келади. *E. lyra* – ён томонда тана бўйлаб жойлашган чуқурчалар бор, *E. deflexa* – ён томонда тана бўйлаб жойлашган чуқурчалар йўқ, оёқ бармоқлари йўғон, баъзи ҳолларда шишли болади. *E. pyriformis* – ён томонда тана бўйлаб жойлашган чуқурчалар йўқ, оёқ бармоқлари оъғин, деярли параллель жойлашган бўлади.

РЕЗЮМЕ

В водоёмах Узбекистана известно 4 рода и 10 видов: *Eudactilota* (1 вид), *Tripleuchlanis* (1), *Dipleuchlanis* (1), *Euchlanis* (7). Планктонные или планкто-бентосные пресноводные формы. Приведены диагнозы семейства и родов, краткие описания морфологии видов, сведения по экологии и распространению, таблица для определения видов семейства *Euchlanidae* гидрофауны Узбекистана. Род *Eudactilota* – пальцы ноги длиннее длины туловища, членики ноги хорошо разделенные, панцирь мягкий. Роды *Dipleuchlanis*, *Euchlanis*, *Tripleuchlanis* – пальцы ноги короче половины длины туловища, членики ноги короткие, неясно разделенные, панцирь ригидный. Род *Tripleuchlanis* – спинная и брюшная пластинки почти одинаковой величины, они соединены парными глубокими продольными бороздами. Род *Dipleuchlanis* – спинная пластинка меньше брюшной, борозды всегда глубокие. Род *Euchlanis* – спинная пластинка больше брюшной, борозды иногда неясно выражены или отсутствуют. Задний край спинной пластинки панциря с глубоким V- или U-образным вырезом – *Euchlanis oropha* (пальцы ноги сравнительно короткие, массивные, посередине вздутые), *E. incisa* (спинная пластинка с высоким продольным килем), *E. dilatata* (спинная пластинка без килея). Задний край спинной пластинки панциря округлый, или с небольшой срединной выемкой или вытянут в виде острого угла – *E. triquetra* (спинная пластинка с высоким продольным килем; задний край спинной пластинки панциря вытянут в виде острого угла), *E. lyra* (боковые продольные борозды имеются), *E. deflexa* (боковые продольные борозды отсутствуют), пальцы ноги толстые, иногда немного вздутые), *E. pyriformis* (боковые продольные борозды отсутствуют, пальцы ноги стройные, с почти параллельными сторонами).

SUMMARY

Four genera and ten species have been recorded in the waterbodies of Uzbekistan: *Eudactilota* (1 species), *Tripleuchlanis* (1), *Dipleuchlanis* (1), *Euchlanis* (7). They are planktonic and benthoplanktonic freshwater species. Short descriptions and tables for determination of species of the family *Euchlanidae* of the fauna of Uzbekistan are presented. Genus *Eudactilota* – toes are longer than the length of the body, members of the leg are well separated, lorica soft. Genus *Dipleuchlanis*, *Euchlanis*, *Tripleuchlanis* – toes shorter than half the length of the body, members of the leg are short, unclearly separated, lorica rigid. Genus *Tripleuchlanis* – dorsal and ventral plates about of the same length, connected by deep double longitudinal furrows. Genus *Dipleuchlanis* – dorsal plate shorter than ventral one, furrows always deep. Genus *Euchlanis* – dorsal plate longer than ventral, furrows sometimes unclearly developed or absent. Posterior margin of dorsal plate of lorica with deep V- or U-shaped notch – *Euchlanis oropha* (leg toes relatively short, swollen in the middle part), *E. incisa* (dorsal plate with high longitudinal keel), and *E. dilatata* (dorsal plate without a keel). Posterior margin of dorsal plate of lorica round, or with small middle notch or extended in sharp angle – *E. triquetra* (dorsal plate with high longitudinal keel; posterior margin of dorsal plate of lorica extended in sharp angle), *E. lyra* (lateral longitudinal furrows present), *E. deflexa* (lateral longitudinal furrows absent, toes of leg thick, sometimes slightly swollen), *E. pyriformis* (lateral longitudinal furrows absent, toes of leg slim, with almost parallel lateral sides).

УДК 596.599.73.5.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАБИЙ ШАРОИТИДА ЖАЙРОН – *GAZELLA SUBGUTTUROSA* ПОПУЛЯЦИЯЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ БЎЙИЧА ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

М.Ш.Торемуратов – докторант

Д.А.Азимов – биология фанлари доктори, академик

Ўзбекистон ФА Зоология институти

М.А.Жуманов – биология фанлари доктори, профессор

Ш.Т.Алламурастов – биология фанлари номзоди, доцент

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: *Gazella subgutturosa*, саҳро, жайрон, тарқалиши, популяция, GPS координата, Қорақалпоғистон, Устюрт, Қизилқум.

Ключевые слова: *Gazella subgutturosa*, пустыня, джейран, распространение, популяция, GPS-координат, Каракалпакстан, Устюрт, Кызылқум.

Key words: *Gazella subgutturosa*, wilderness, gazelle, distribution, population, Karakalpakstan, GPS-coordinate, Usturt, the Kizilkum.

Жайроннинг тарқалиш ареали Марказий Осиёда – Қирғизистон, Қозғистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон ҳамда Афғонистон, Озарбайжон, Баҳрайн, Жанубий Мўғлистон, Хитой, Грузия, Эрон, Ироқ, Қувайт, Уммон, Жанубий-Ғарбий Покистон, Саудия

Арабистони, Сурия, Жанубий-Шарқий Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари ва Яман давлатлари каби ҳудудларида аниқланган [10].

Ўзбекистонда жайрон – *Gazella subgutturosa* (Gueldenstaedt, 1780) Қизилқум, Қорақум ва

Устюртнинг Қорақалпоғистон қисмидаги гипсли ва кумли чўлларида кенг тарқалган бўлиб, унинг сони анча юқорилиги таъкидланган [1]. XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида Ўрта Осиё ва Қозоғистонда бир неча юз минг бош жайрон кузатилган [3]. 1964-1965 йилларда мазкур турнинг ҳудудимиз шароитидаги ўзига хос биологик хусусиятлари батафсил ўрганилган [6]. Ҳозирги кунда улар табиий яшаш жойларининг аксарият қисмида учрамайди. Энди бу тур ниҳоятда сийрак тарқалган бўлиб, Манқишлоқ, Устюрт, Қизилқум, Қорақум, Бетпақдала ва Балхаш ёнида фақат алоҳида яшаш жойлари сақланиб қолган. Жайроннинг сони ўта паст ва кам учрайдиган бўлгани учун у барча МДХ давлатлари Қизил китобига киритилган [2].

Қорақалпоғистон шароитида эса жайрон ареали илгаригига нисбатан аниқ уч-тўрт маротаба, ҳайвонлар сони эса бир неча ўн баробар камайган. Ҳозирги вақтда жайрон бу минтақада Қизилқум ва Устюрт текисликларида кичик гуруҳлар шаклида сақланиб қолган.

XX асрнинг 50-80 йилларида, қатор тадқиқотлардаги маълумотларга кўра, Шимоли-ғарбий Қизилқумда яшовчи жайронлар сони 20-25 минг ва Устюрт платосининг Қорақалпоғистон қисмида эса 6 минг бош эканлиги аниқланган. Авваллари жайрон Амударё дельтасида Қорақалпоғистоннинг Тахтақўпир, Қўнғирот, Қораўзақ ва Нукус туманлари кум яйловларида яшаган [4] [5]. 1971-1974 йиллари жайрон Орол денгизининг Жануби-шарқий қирғоғидаги

Қабакли, Табесқум, Ержантау қумларида ва Белтау атрофида учраши аниқланган [7] [8] [9]. Ҳозирги вақтда (2019 й) жайроннинг тарқалиши бўйича маълумотлар деярли мавжуд эмас.

Тадқиқот ишлари 2019 йилнинг май ойида Устюрт платосининг жануби-ғарбий қисмида олиб борилди. Асосан тадқиқот ишлари қабул қилинган стандарт методлардан стационар, маршрут ва пиёда юриб ҳисоблаш усуллари билан, визуал кузатиш, ҳайвон излари, фекалийлари ва сўқмоқларини аниқлаш, GPS ёрдамида координаталарини белгилашлар билан олиб борилди. Кузатиш ва уларнинг сонини ҳисобга олиш ишлари 15х25 бинокль, GPS координаталарини белгилаш “Военная тактическая карта” ва “GPX Viewer” дастурлари асосида амалга оширилди. Тадқиқот ишлари Қўнғирот - Итибай – Қораваўир - Шахпахти – Асака аудан – Қоплонқир– Асака-аудан – Уру –Итибай – Қўнғирот (829 км) йўналишида амалга оширилди.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Тадқиқотлар натижасида Итибай – Қораваўир – Шахпахти ҳудудида жайрон (*Gazella subgutturosa*) (1 эркак, 3 урғочи, N 43,105883 E 56,970796) ва жайрон излари жуда кўп сонда (сўқмоқлар сони 12, N 43,069365 E 56,429924) топилди. Шахпахти ҳудудида тадқиқот ишлари пиёда юриб ҳисоблаш орқали олиб борилди (12 км). Тадқиқотлар давомида 3 та жайрон бош суяги топилди (N 42,604129 E 56,282537). Жайроннинг эски излари (сўқмоқлар сони 7 та) аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Итибай–Қораваўир–Шахпахти ҳудудида *G. subgutturosa* нинг учраши

Учраган жойларнинг координатаси	Жами, индивидлар сони, дона	шу жумладан					
		♂	♀	боласи	жинси ноаниқ	сўқмоқлар	бош суяги
N 43,105883 E 56,970796	4	1	3	-	-	-	-
N 43,069365 E 56,429924		-	-	-	-	12	-
N 42,604129 E 56,282537	3	-	-	-	-	7	3
Жами:	7	1	3	-	-	19	3
%	100	14,3	42,9	-	-	19	42,8

Шахпахти – Асака аудан – Қоплонқир ҳудудларида тадқиқот давомида жайроннинг 32 та боши рўйхатга олинди ва уларнинг 4 дан 7 гача жайрондан ташкил топган гуруҳларининг алоҳида ҳаракатланиши кузатилди. Қуйида гуруҳлар жинсий таркиби келтирилган.(2-жадвал).

2-жадвал

Шахпахти–Асака аудан–Қоплонқир ҳудудида *G. subgutturosa* нинг учраши

Учраган жойларининг координатаси	Жами, индивидлар сони, дона	шу жумладан					
		♂	♀	боласи	жинси ноаниқ	сўқмоқлар	Бош суяги
N 41,925917 E 56,372923	10	1	1+3	1+2+2	-	-	-
N 41,982158 E 56,512698	11	2+1+1	2+2+1+2	-	-	-	-
N 42,136847 E 56,606360	7	2+2	3	-	-	-	-
N 41,326463 E 56,016245	4	1	1	-	2	-	-
Жами:	32	10	15	5	2	0	0
%	100	31,2	46,9	15,7	6,2		

Айниқса, Қоплонқир - Асака-аудан – Уру - Итибай йўналиши бўйлаб тадқиқот ишлари давомида жайроннинг кўпроқ тарқалганлиги, аммо тарқоқлиги аён бўлди (3-жадвал).


Қоплонқир-Асака-аудан-Уру – Итибай ҳудудида *G. subgutturosa* нинг учраши

Учраган жойларининг координатаси	Жами, индивидлар сони, дона	шу жумладан					бош суяги
		♂	♀	боласи	жинси ноаниқ	сўқмоқлар	
N 41,669848 E 56,513941	5	1	4	-	-	кўп	-
N 41,823433 E 56,564873	2	1	-	-	1		-
N 41,933063 E 56,675145	2	1	1	-	-		-
N 42,020029 E 56,580668	2	-	-	2	-		-
N 42,125862 E 56,580720	3	2	1	-	-		-
N 42,222745 E 56,627035	4	1	3	-	-		-
N 42,396365 E 56,674747	6	2	4	-	-		-
N 42,568386 E 56,934882	3	-	2	1	-		-
N 42,756876 E 57,278598	3	1	1	1	-		-
N 42,796466 E 57,425192	1	1	-	-	-		-
N 42,849460 E 57,511622	2	-	2	-	-		-
N 42,913894 E 57,582965	1	-	1	-	-		-
Жами:	34	10	19	4	1	кўп	0
%	100	29,4	55,9	11,8	2,9	кўп	0

Умуман, олиб борилган қисқа муддатли жайронлар сонини аниқлаш жараёнида Устюрт платоси Қорақалпоғистон бўлими территориясининг уч йўналиши бўйича 829 км йўл босилганда, бу турнинг 73 донаси (шу жумладан 3 бош суяги) ҳисобга олинди (4-жадвал, 1-2 расмлар).

Устюрт платосининг жануби-ғарбий қисмида жайрон (*Gazella subgutturosa*) нинг тарқалиши

Тадқиқот маршрути номи ва узунлиги, км	Руйхатга олинган жами индивидлар сони, дона	шу жумладан					
		♂	♀	боласи	жинси ноаниқ	сўқмоқлар	Бош суяги
Итибай–Қораваўир–Шахпахти, 278 км	7	1	3	-	-	19	3
Шахпахти–Асака аудан–Қоплонқир, 186 км	32	10	15	5	2	-	-
Қоплонқир-Асака-аудан-Уру-Итибай, 365 км	34	10	19	4	1	кўп	-
Жами: 829 км	73	21	37	9	3	кўп	3
%	100	28,8	50,7	12,3	4,1	-	4,1




1-расм. Қорақалпоғистонда жайронларнинг тарқалиш ҳудуди. (Устюрт платоси, Шахпахти – Асака аудан – Қоплонқир йўналиши)



2-расм. Қорақалпоғистонда жайронларнинг тарқалиш ҳудуди. (Устюрт платоси, Қоплонқир – Асака-аудан – Уру йўналиши)

Улардан эркеклари – 24, урғочилари - 37, болалари – 9 бош ва жинси ноаниқ 3 бош жайронлардан иборатлиги аниқланди. Аниқланган жайронлар кичик гуруҳларни ташкил этиши кузатилди. Гуруҳлар таркиби 1 донадан 11 бошгача ташкил топганлиги кузатилди. Таъкидлаш лозимки, юқорида кўрсатилган гуруҳларда жайрон болалари 1 дан 5 та гача учради, бу эса ўта ижобий ҳолат деб боҳолашга имкон яратади (3-расм).



3-Расм. Жанубий-ғарбий Устюртда учраган жайронлар бўйича маълумотлар.

Тадқиқот натижасида жайронларнинг уч бош суяги топилди. Ушбу суяклар йиртқичлар, хусусан, бўрилар томонидан нобуд қилинган жайрон суяклари бўлишини тахмин қилиш мумкин (4-расм).



4-расм. Шахпахта худудидан топилган жайронларнинг бош суяги.

Инсоннинг иқтисодий фаолияти ортиб бораётганлиги туфайли ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб, худудда экологик вазият кескин ўзгара бошлади. Мавжуд чўллар орқали Чаржоу-Бейнеу темир йўли, Нукус-Бухоро магистрал йўллари, Бухоро-Урал газ қувурининг иккита линияси ва Ўрта қисми қурилди. Осиё-Марказ, темир йўл ва компрессор станциялари, комбинат ва заводлар, аҳоли пунктлари ва бошқалар бунёд этилди, муҳандислик-геологик изланиш ва бурғулаш ишлари олиб борилмоқда.

Буларнинг барчаси, шунингдек, чўл яйловларидан нотўғри фойдаланиш ва ўргимчак тури сингари кўплаб ер юзасидаги тартибсиз автойўллар худуднинг тупроқ қопламнинг бузилишига ва ўсимликларнинг йўқ қилинишига сабаб бўлди. Чўл худудидаги табиий

ҳолатнинг бутунлай ўзгартирилиши эса нафақат жайроннинг яшаш муҳитига салбий таъсир қилиб қўймасдан, балки Жанубий Орол минтақасидаги борча ёввойи туёқлилар ареалининг кескин қисқаришига олиб келмоқда.

Хулоса. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, Қорақалпоғистон табиий иқлим шароитида жайроннинг кам сонли популяциялари, юқорида кўрсатилган координаталарда учраши кузатилмоқда. Улар тарқок ҳолда, кичик гуруҳлар ташкил этиб яшаши аниқланди. Албатта, бу ижобий ҳолатни ривожлантиришни талаб этади. Қорақалпоғистоннинг айрим территорияларида сақланиб қолган жайронлар ҳозирги кунда ҳам, антропоген омиллар таъсири остида қолмоқда. Булар қаторига албатта техноген омиллар, ноқонуний ов қилинишлар, чўл зоналарини ўзлаштириш, яйловлардан интенсив фойдаланиш, урбанлашиш жараёнлари мавжудлигини тасдиқлаш лозим. Буларнинг барчаси жайронлар яшашини чекловчи омиллардир.

Шу сабабли, жайроннинг табиий яшаш жойларини ҳимоя қилиш ва кўпайишига имкон берувчи чора-тадбирлар кўриш зарур, яъни, махсус янги 150-200 минг гектардан кам бўлмаган заҳира зоналарини (шимоли-ғарбий ва Марказий Қизилқум, Орол денгизининг қуриб қолган худуди, Устюрт платосининг жануби-ғарбий қисми) ташкил қилишни талаб этади. Худди шундай худуд ва питомникларни Устюрт платосининг жанубий-шарқий тик жарликлари ва жанубий қисмларида (Даукескен, Чурук, Белеули, Бесшымрау) ташкил қилиш ва мавжудларини такомиллаштириш жайронларнинг кўпайиши учун имконият туғдириши мумкин.

Адабиётлар

1. Богданов М. Н. Очерки природы Хивинского оазиса и пустыни Кызылкум. – Ташкент: 1882. Том XII. - С 15.
2. Богданов О.П. Редкие животные Узбекистана: Энциклопедический справочник. -Ташкент: 1992. -С.400.
3. Гептнер В.Г., Насимович А.А., Банников А.Г. Млекопитающие Советского Союза. Парнокопытные и не парнокопытные. - М.: «Наука» 1961. -С. 1003.
4. Костин В.И. Материалы по экологии и промысловому значению джейрана. Тр. ин-та зоол. АН Каз ССР т. 4. -Алма-Ата: АН Каз ССР, 1955. -С. 115.
5. Кривошеев В.Г., Ротшильд Е.В., Смирнов В.М. Распространение и численность джейранов и сайгаков в Северных Кызылкумах. В кн. «Вопросы географии». -М.: 1960. -№ 2. -С. 48.
6. Мамбетжумаев А.М. Джейран - *Gazella subgutturosa subgutturosa* (морфология черепа, распространение, экология и биология в условиях Кызылкума и Устюрта, хозяйственное и эпизотическое, значения, охрана). -Т.: «Фан», -С.196.
7. Реймов Р. Карабеков М., Сапарбаев Ж. Копытные звери Южного Приаралья. В кн. Современное состояние природных ресурсов Каракалпакии. -Т.: «Фан», 1977. -С.148-159.
8. Реймов Р., Карабеков М., Асенов Г. Распространение, численность и перспективы охраны джейранов в Южном Приаралье. //Вестник Каракалпакского филиала АН УзССР, 1986.-№ 3. -С.31-38.
9. Реймов Р.Р. Редкие и исчезающие виды млекопитающих северо-западных пустынь Средней Азии и их охрана. // Вестник Каракалпакского филиала АН УзССР, 1982. № 3. -С.28 - 32.
10. Соколов В.Е. Фауна мира. Млекопитающие. - Москва: Агропромиздат, 1990. -С.254.

РЕЗЮМЕ

Устюрт платосининг Қорақалпоғистон бўлагига – Итибай – Қораваўир – Шахпахти, Шахпахти – Асака аудан – Қоплонқир ва Қоплонқир – Асака аудан – Уру – Итибай, уч йўналиши бўйлаб 829 км масофада олиб борилган тадқиқотлар натижасида, жайронларнинг жами 73 таси, шу жумладан 70 таси тирик ва 3 та нобуд бўлган жайронларнинг бош суяги рўйхатга олинди. Жайронлар кичик гуруҳлар ташкил этиб яшаши кузатилди.

РЕЗЮМЕ

В результате исследований, проведённых в Каракалпакской части плато Устюрт на протяжении 829 км по трём направлениям – Итибай – Коравауыр – Шахпахта, Шахпахта – Асака-аудан – Капланқир и Капланқир - Асака-аудан – Уру - Итибай, в общей сложности было зарегистрировано 73 особей джейрана, в том числе 70 живых и 3 черепа погибших джейранов. Наблюдалось, что джейраны формируют небольшие группы.

SUMMARY

It the result of the research conducted in the Karakalpak section of the Ustyurt plateau at a distance of 829 km in three directions - Iti-bai-Karavaur-Shakhpakhta, Shakhpakhta-Asaka-audan-Kaplankir and Kaplankir-Asaka-audan-Uru-Itibai, in total 73 species of gazella were registered, including 70 living and 3 skulls of dead gazelles. It was noted that gazelles form small groups.